

Мусулмон ҳолингда вафот эт



07:30 / 16.04.2019 3516

Бир киши Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуга: «Менга бирон нарса ўргатинг», деди. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу унга: «Менга итоат қиласанми?» дедилар. У киши: «Албатта, чин дилдан итоатда бўламан», деди. Муоз розияллоҳу анҳу: «Рўза ҳам тутгин, лекин оғзинг очиқ ҳам бўлсин. Кечалари намоз ҳам ўқигин, лекин уйқуга ҳам вақт ажратгин. Бирор касб билан тирикчилик қил, лекин гуноҳдан сақлан. Фақат мусулмон ҳолингда вафот эт. Мазлумнинг дуосидан сақлан», деб насиҳат қилдилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан